

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ВАЗИРЛИГИ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ

Бажарди: юридика факультети 2-
курс талабаси Аллашукуров Б.

НУКУС – 2013

Режаси

Кириш

Асосий қисм

- 1. Контракция шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.**
- 2. Контракция шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби. Контракция шартномаси тарафлари ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.**
- 3. Контракция шартномасини бузганлик учун жавобгарлик.**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

КИРИШ

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, бу соҳанинг моддий базаси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни рағбатлантириш ҳамда аграр сиёсатнинг устувор вазифаларини амалга ошириш учун етарли шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юртбошимиз айтганидек: «Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу соҳада биз кўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир»¹.

Қишлоқда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича бир қатор қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани бунинг ёрқин далилидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида шартномалар, жумладан контрактация шартномалари барча мулк шаклидаги корхоналар, қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан тайёрловчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича Республика комиссияси тузилганлиги ва унга сўнги олти йилда қабул қилинган қишлоқ хўжалигига оид қонунчилик ҳужжатларини танқидий назарда кўриб чиқиб, уларда бугунги кун талабига мос келадиган

¹ Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда тўб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 17 январь 2015 й., 11 (6194)-сон.

жихатларини қолдириш, ислоҳатларга тўсиқ бўлаётган ҳолатларни аниқлаб, уларни янгилаш бўйича таклифлар киритиш вазифаси юклатилганлиги айтилганлиги айни муддао бўлди.

Олий Мажлиснинг Х-сессиясида «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, «Ер кодекси» қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларнинг муҳокама қилиниши эса ушбу йўналишдаги ишларнинг оғишмай амалга оширилаётгандан далолатдир.

1. Контракция шартномаси тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида шартномалар, жумладан контракция шартномалари барча мулк шаклидаги корхоналар, қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатётган тадбиркорлар билан тайёрловчилар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат бўлибгина қолмай, шунинг билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий омили бўлиб ҳам ҳисобланади.

Шартнома-икки ёки бир неча жисмоний ёки юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги ёзма келишувидир. У Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида кўрсатилганидек, тарафларнинг эркинлиги, уларнинг ўзаро розилиги ва тенглиги принципи, ўз мажбуриятлари юзасидан ҳаракатларини қоида тариқасида ҳақ эвазига бажаришига асосланган ҳолда тузилади. Бу ҳужжатда шартномани ижро қилишнинг юридик кафолатлари, шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик турлари ҳам белгилаб берилган.

Контракция шартномалари ФКнинг 465-467-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарорига асосан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш арифи тўғрисида Низом асосида тартибга солинади. ФКнинг 465-моддасига кўра контракция шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга - тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул

килиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Мазкур шартномани тартибга солишда юқоридаги Низом асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатларни тартибга солади, шунингдек уларни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартибини белгилайди.

Контракция шартномалари, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузилган шартномалар хўжаликларнинг бизнес-режаларида назарда тутилган ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга ошириш бошланишидан бир ой олдин, лекин календарь йил бошланишидан кечикмай тузилади. Шартномаларни тузишда томонлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган алоҳида намунавий шаклларга амал қилиши мумкин. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг моддий аҳволи бозор иқтисодиёти шароитида улар томонидан тузилаётган контракция ва бошқа турдаги шартномаларнинг қанчалик тўғри манфаатдорлик асосида тузилганлигига боғлиқ. Шунинг учун, иқтисодий ислохатларнинг қишлоқ хўжалигида чуқурлаштириш, бунда ҳуқуқий нормалардан ижобий фойдаланиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи, хўжалик юритувчи субъектларини етиштирувчи, хўжалик юритувчи субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва пировард натижада қишлоқ хўжалигини камхарж, лекин катта фойда берадиган соҳага айлантириш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Контракция шартномаси қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, деҳқон (фермер) хўжаликлари билан маҳсулот харид қилувчи (тайёрлов, савдо, қайта ишловчи) ўртасида тузиладиган ҳуқуқий ҳужжатдир. Унга асосан хўжаликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотини шартномада назарда

тутилган миқдорда, сифатда, ассортиментда ва муддатларда етиштириш мажбуриятини, тайёрловчи эса уни қабул қилиб олиш, қийматини белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича тўлаш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аванс бериш ва маҳсулотни транспортда ташишда хўжаликка ёрдам кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бозор муносабатлари шароитида шартномалар барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек, тадбиркорлар ҳамда бошқарув органлари ўртасида иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи ва тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Унинг туб моҳиятини англаш учун шўролар давридаги тартибни эслаш жоиз. У пайтларда корхоналар ўртасидаги хўжалик муносабатлари ажратилган лимитлар, фондлар, нарядлар ва буюртмаларга асосланган бўлиб, шартномалар тузилмасди ёки тузилса ҳам иккинчи даражали ҳужжат ҳисобланарди. Маҳсулотга талаб борми ёки йўқми, халқаро андоза талабларига мос келадими ёки келмайдими, бундан қатъий назар, у бутун иттифоқ бўйича истеъмолчиларга тақсимлаб чиқиларди. Бириктирилган истеъмолчи бу маҳсулот керакми ёки йўқми, барибир уни олишга мажбур эди.

Контракция шартномасини тузиш ва бажариш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида корхонлар тўғрисида», Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Кооперация тўғрисида», ва «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сон қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида Низом» билан тартибга солинади.

Контракция шартномаси иқтисодий мазмуни жиҳатдан олди-сотди шартномасининг бир туридир. Лекин, ўзига хос хусусиятлари билан олди-сотди шартномасининг бошқа турларидан ажралиб туради.

1963 йилдаги Фуқаролик кодексида контракция шартномасига тушунча берилмаган эди. У мулкый муносабатлар соҳасида қўлланадиган шартномаларнинг алоҳида мустақил бир тури сифатида қонуности ҳуқуқий

хужжатлар воситасида тартибга солинади. Ушбу ҳужжатлар 1997 йил 1 мартдан кейин тузилган шартномаларга тадбиқ қилинмайди.

Контракция шартномаси кўп йиллик тарихга эга. Дастлаб у Чор Россияси даврида пахтага нисбатан қўллана бошлаган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам контракция воситасида асосан пахта харид қилинади. Режалаштириш тизими авж олган сари контракциянинг том маънодаги шартномага хос белгилари, хусусиятлари сусайиб, у режани мажбурий равишда амалга оширишга қаратилган воситага айлана бошлади ва ўз навбатида бошқа барча техник ўсимликлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига нисбатан жорий қилина бошлади.

Эндиликда эса жамоа, ширкат, ижара, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик тузилмалари ўзлари етиштираётган маҳсулотларни сотиш, бозорни ўрганиш, нарх-наво масалалари билан туғулланишлари лозим ҳамда ўз ихтиёрларида қолдирилган маҳсулотларни контракция шартномалари, балки маҳсулот етказиб бериш (поставка), олди-сотди, форвард, фьючерс ва бошқа турдаги шартномалар тузиш йўли билан Республика ичидаги ва чет эллик харидорларга сотишлари мумкин.

2. Контракция шартномасини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби.

Контракция шартномаларини тузиш ва бажаришда томонлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қарорига биноан қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контракция шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги Низомга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контракция шартномаларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини харид қилиш тартибини тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатларга амал қиладилар.

Шартномаларда шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича), шартноманинг умумий суммаси, томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари, маҳсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари), идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар, ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги учун томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги, низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой кўрсатилади.

Шартномаларни тузиш бевосита хўжаликларда амалга оширилади, тайёрловчи хўжаликка ваколатли вакилини юборишга мажбурдир, шартномалар томонларнинг келишувига кўра бир йилдан беш йилгача муддатга тузилади.

Тайёрловчи контрактация шартномаси лойиҳаларини хўжаликларга, агар улар турли ваколатларда бўлсалар ҳамда шартнома тузишга рози бўлсалар, почта орқали юборишга ҳақлидир. Яъни, тайёрловчи оферта киритади. Муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади. Офертада шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак. Контрактация шартномасида қуйидагилар кўрсатилади:

маҳсулотнинг номи, ассортиманти, миқдори, сифати, нархи, шартноманинг умумий суммаси, етказиб бериш тартиби ва шартлари, маҳсулотни топшириш қабул қилиш пунктлари ва даврлари (муддатлари);

тайёрловчи томонидан бевосита хўжаликнинг ўзида қабул қилиб олиб ўзининг ёки жалб этилган транспорт билан ташиб кетиладиган маҳсулот

миқдори, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш ҳажмларига мувофиқ контрактация шартномаси бўйича сотилиши керак бўлган маҳсулотнинг хўжаликда қайта ишланган миқдори;

идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйиладиган талаблар;

тайёрловчининг маҳсулотни ўз вақтида қабул қилиш ва белгиланган нархлар бўйича тўлашга доир мажбуриятлари;

ҳисоб-китоблар тартиби, хўжалик ва тайёрловчининг тўлов, почта ва юклаш реквизитлари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этишда ва тайёрловчининг қабул пунктига транспортда ёрдам кўрсатиш бўйича тайёрловчининг мажбуриятлари;

улар томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг, шунингдек, томонлар шартномада Ўзбекистон Республикасининг онунчилигига зид бўлмаган бошқа шартларни назарда тутишни зарур деб тан олган бошқа шартларнинг бажарилганлиги ёки зарур даражада бажарилганлиги уун томонларнинг ўзаро мулкӣ жавобгарлиги.

Офертада уни йўллаган шахсни оферта йўлланган шахс билан у офертани олган пайтдан бошлаб боғлайди.

Агар офертани (олган пайтдан) чақириб олиш тўғрисидаги билдириш офертанинг ўзидан олдин ёки у билан бир вақтда келган бўлса, оферта олинмаган ҳисобланади.

Ушбу ҳолатларда қабул қилувчи шахслар олган оферта уни акцептлаш учун белгилаб қўйилган муддат мобайнида чақириб олиниши мумкин эмас, башарти бошқача тартиб офертанинг ўзида шарт қилиб қўйилган бўлмаса ёки таклифнинг моҳиятидан ёхуд у йўлланган пайтдаги вазиятдан англашилмаса.

Хўжалик тайёрловчининг вакили хўжаликка келган кундан бошлаб ёки шартнома лойиҳаси почта орқали олингандан кейин 7 кун мобайнида шартномани имзолашга қайтаришига шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоби акцепт ҳисобланади. Акцепт тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак.

Агар акцептни чақириб олиш ҳақидаги билдириш оферта юборган шахсга акцептдан олдинроқ ёки у билан бир вақтда етиб келган бўлса, акцепт олинмаган ҳисобланади.

Агар шартнома шартлари бўйича хўжаликда эътирозлар пайдо бўлса, хўжалик худди ўша муддатда келишмовчиликлар баёнини тузади ва имзо чекилган шартномани келишмовчиликлар баёнини тузади ва имзо чекилган шартномани келишмовчиликлар баёнининг 2 нусхаси билан биргаликда тайёрловчига юборади. Контрактация шартномасида у келишмовчиликлар билан имзоланганлиги кўрсатилади, бу ҳақда маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат бош инспекциясига албатта маълум қилиниши керак.

Тайёрловчи келишмовчиликларни баёнини олгач 5 кун мобайнида уни кўриб чиқишга (зарур ҳолларда иккинчи томон ва маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекцияси вакили билан биргаликда), қабул қилинган барча таклифларни шартномага киритишга, низоли масалаларни эса худди ўша муддатда кўриб чиқиш учун низо тегишли бўлган хўжалик судига беришга мажбурдир.

Агар тайёрловчи келишмовчиликлар баёнини олгач 5 кун мобайнида тартибга солинмаган, қоган келишмовчиликларни хўжалик судининг ҳал этишига бермаса, хўжаликнинг таклифлари қабул қилинган ҳисобланади.

Шартнома 3 нусхада тузилади ва имзоланади. Томонлар имзо чеккан шартномани хўжалик рўйхатга олиш учун 3 кун мобайнида маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясига тақдим этишга мажбурдир.

Давлат томонидан белгиланган ҳажмларда назарда тутилмаган ва давлат буюртмасига кирмаган маҳсулотларга тузилган шартномалар ҳам маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясида албатта рўйхатга олиниши керак.

Тайёрловчи шартномага стандартларни техникавий шартларни, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш тартибини, харид қилинган маҳсулотни қабул қилиш ва унинг сифатини баҳолашни тартибга солувчи

коидалар (йўриқномалар)ни, маҳсулотларни ҳамда агар улар илгари хўжаликка тақдим этилмаган бўлса, бошқа норматив ҳужжатларни маҳсулот тайёрлаш бошланишидан камида 1 ой олдин илова қилишга, хўжаликни тамом бўлган йилда бу ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар билан таништиришга, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш масалалари бўйича қонунчиликка ва норматив ҳужжатларга бундан кейин киритилган ўзгартиришлар тўғрисида хўжаликни тезликда хабардор қилишга ва хўжаликнинг илтимосига кўра ходимларга кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича йўл-йўриқлар ва маслаҳат беришга мажбурдир.

Шартномани бажаришни бир томонлама рад этишга ва унинг шартларини ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда бошқача ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Шартномани бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида таклиф олган томон таклиф олингандан кейин 5 кундан кечиктирмай жавоб беришга мажбурдир.

Агар томон 5 кун мобайнида жавоб бермаса, таклиф қабул қилинган деб ҳисобланади. Томонлар шартномани бекор қилиш ёки унинг бекор қилиш ёки унинг шартларини ўзгартириш тўғрисида бир қарорга келмасалар, томонлар ўртасидаги низо ҳал этиш учун белгиланган тартибда хўжалик судига берилади.

Хўжалик судида кўрилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим хўжаликларда шартномалар тузиш маданияти анча паст. Шартнома тузаётган раҳбар ҳам, тадбиркор ҳам уни тайёрлаш ҳуқуқшунослар ҳам шартномани тайёрлашга кўп ҳолларда етарли аҳамият беришмайди. Натижада ушбу ҳолат ташкилотларнинг иқтисодий зиён кўришга, баъзи ҳолларда «банкрот» бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, иш уларга нисбатан моддий, маъмурий ва жиноий жазоларни қўллашга бориб етмоқда.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган

маҳсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади. Шартномаларга шунингдек аниқ турдаги шартномалар учун ёки уларга нисбатан томонлардан бирининг аризасига кўра ёхуд қонунчиликка мувофиқ келишувга эришилиши керак бўлган шартномалар учун назарда тутилган бошқа муҳим шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Шартнома томонлардан ҳар бири ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан тузилади. Шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эга бўлади. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликлар билан шартномаларнинг ўз вақтида тузилиши учун жавоб беради.

Тузилган шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 3 кун мобайнида тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган шартномаларни кўриб чиқиш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан 3 иш куни мобайнида амалга оширилади. Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда қўшимча ҳужжатлар ёки тўлов талаб қилинишига йўл қўйилмайди. Шартнома бўйича хўжалик шартномада назарда тутилган ҳолларда тайёрлов ташкилотидан уруғ ва экиш материаллари билан таъминлашни талаб қилиш, маҳсулотни топширишда, унинг сифатини аниқлашда қатнашиш ва тайёрлов ташкилотидан маҳсулот учун тегишли тўловни талаб қилиш, тайёрлов ташкилотидан маҳсулот етиштириш учун шартномада белгиланган муддатларда ва миқдорда аванс тўланишини талаб қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини давлат эҳтиёжлари учун харид қилиш бундан мустасно, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан амалдаги давлат стандартлари ва шартномани бажариш учун зарур бўлган бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан маҳсулот хўжалик ҳисобидан ташилганда транспорт харажатларини қопланишини талаб қилиш, хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага биноан тегишли сифатдаги,

ассортиментдаги маҳсулотлар етказиб беришни ва хизматлар кўрсатишни (ишларни бажаришни) талаб қилиш, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотидан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Маҳсулотнинг муайян турларини тайёрловчи ташкилотга шартномада белгиланган миқдорларда ва ассортиментда ҳамда муддатларда тегишли сифат билан етказиб бериш, илова қилинаётган ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш ва маҳсулотни топширишда қўйиладиган бошқа талабларга (идишга жойлаш, қадоқлаш, қорамолларни тамғалаш ва бошқаларга) риоя этиш, маҳсулотни тайёрлов ташкилотига топшириш учун ўз вақтида тайёрлаш, етказиб берилган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар) учун тўловни (ҳисоб-китобларни) хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ ўз вақтида амалга ошириш хўжаликнинг мажбуриятлари ҳисобланади.

Тайёрлов ташкилотининг ҳуқуқлари:

-тасдиқланган жадвалга мувофиқ шартномада белгиланган муддатларда маҳсулотларнинг муайян турларини белгиланган миқдорларда ва ассортиментда, тегишли сифат билан ўз вақтида топширишни талаб қилиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аваанс суммасида назарда тутилган ҳажмларда топширилмаган тақдирда тузилган шартномага мувофиқ илгари берилган аванс маблағлари қопланишини хўжаликлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Тайёрлов ташкилотининг мажбуриятлари:

-қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжаликлар билан томонлар келишган ҳажмларда ўз вақтида шартномалар тузиш;

-хўжаликларга шартномада белгиланган даврларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш муддатларига мувофиқ маҳсулотлар қийматининг камида 50 фоизи миқдорида (чорвачилик маҳсулотлари бўйича - шартномаларда кўрсатилган ҳажмлар қийматининг 25 фоизи миқдорида) аванс маблағлари тўлаш;

-харид қилинадиган маҳсулотнинг вазни ва сифатини тўғри аниқлаш;

-хўжаликлар томонидан етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини шартномада назарда тутилган миқдорларда ва муддатларда харид қилиш, уларнинг узлуксиз қабул қилиб олинишини таъминлаш;

-хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни шартномада назарда тутилган ҳолларда давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига мувофиқ сақлаш ҳамда уларнинг ҳолати тўғрисида хўжаликларга мунтазам равишда хабар қилиб туриш;

-хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган маҳсулотлар сифатининг ёмонлашиши оқибатида хўжаликларга етказилган зарарни қоплаш;

-агар шартномада ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келишилган жадвалга мувофиқ қабул қилиб олишни ва ташишни таъминлаш;

-харид қилинаётган маҳсулот сифатини амалдаги стандартлар талабларига мувофиқ аниқлаш, шартномада белгиланган нархларга мувофиқ ва муддатларда маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, тайёрлаш, ташиш ва қайта ишлашда улар нобуд бўлишининг олдини олиш;

-маҳсулотларни амалдаги стандартларга мувофиқ қайта ишлаш, сотишга тайёрлаш ва уларни сотишга тааллуқли ҳужжатларни расмийлаштириш;

-хўжаликларни идишлар, ўраш материаллари ва норматив-техник ҳужжатлар (стандартлар, техник шартлар, маҳсулотларнинг айрим турларини харид қилиш, қабул қилиб олиш, сифатини баҳолаш тартибини тартибга солувчи қоидалар) билан шартномаларга мувофиқ таъминлаш;

-шартномаларда назарда тутилган ҳолларда хўжаликларни уруғлик ва экиш материаллари билан таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлов ташкилоти жойлашган жойда ёки улар кўрсатган бошқа жойда қабул қилиб олинган тақдирда хўжаликлар томонидан контракция шартномасига мувофиқ етказиб берилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш.

Хизмат кўрсатиш ташкилотларининг ҳуқуқлари:

амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда шартномага мувофиқ етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва якуний ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;

тақдим этилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган моддий-техника ресурсларини ва кўрсатиладиган хизматларни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни хўжаликлардан талаб қилиш.

Маҳсулотни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари зиммасида бўлади.

Шартномалар шартнома шартлари ва талабларига ҳамда қонун ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда зарур даражада бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

Шартномада маҳсулотни етказиб беришнинг даврлари белгиланиши билан биргаликда товарларни етказиб бериш жадваллари ҳам (ўн кунлик, суткалик ва бошқалар) назарда тутилиши мумкин. Агар шартномада бундай жадвал назарда тутилмаган тақдирда, хўжалик тайёрлов ташкилотини маҳсулотни шартномада назарда тутилган ассортиментда реализация қилиш учун шартномада белгиланган муддатларда мўлжалланаётган ҳажмлар ва топшириш муддатлари тўғрисида хабардор қилиши керак. Агар шартномада бундай муддат кўрсатилмаса, маҳсулот топширилгунга қадар 30 кунлик муддатда (мавсумий маҳсулотлар бўйича - 15 кундан кечикмай) топшириши ва маҳсулотни календарь (сутка бўйича) топшириш жадвалини тайёрлов ташкилоти билан келишиши керак.

Тайёрлов ташкилоти билан келишган ҳолда хўжалик маҳсулотни кейинги топшириш даври ҳисобига ўтказган ҳолда муддатида олдин топшириши мумкин. Агар томонлардан бири юклаш ёки тушириш бўйича бошқа томоннинг мажбуриятларини бажарса, ўз мажбуриятларини бажармаган томон белгиланган тарифлар асосида, бундай тарифлар мавжуд

бўлмаган тақдирда эса - ўзаро келишувга кўра бажарилган ишлар қийматини унга тўлайди.

Шартнома мажбуриятларини бажаришда харид қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ва миқдорини баҳолаш, унинг учун ҳақ ўз вақтида ва тўғри тўланиши бўйича томонлар ўртасида низоли масалалар ва келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, бундай масалалар ва келишмовчиликлар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан судгача бўлган тартибда ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

Умуман, кўпчилик ҳолларда қишлоқдаги корхоналар ўз фаолиятларини амалга оширишда ҳуқуқий воситалардан етарли фойдаланаяптилар. Сабаби-қишлоқ хўжалиги юридик хизматга муҳлат, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ҳақида жойларга ўз вақтида ахборот етиб бормайди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг мағфати камчитилади, тайёрловчи ташкилотлар етказиб берилган маҳсулот учун қийматни ўз вақтида тўламайдилар.

3. Контракция шартномасини бузганлик учун жавобгарлик.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 1998 йил 25 феврал куни Вазирлар Маҳкамасининг «1998 йилда иқтисодий ислоҳ қилишнинг йўналишлари»га бағишланган маърузасида ҳам қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берилди. «Менимча»-деди Президентимиз,-қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммоларини ҳал этмай туриб, тўла маънодаги иқтисодий ислоҳатларимизни дадил давом эттириш мумкин эмас».

Барча корхона ва ташкилотларнинг хато ва камчиликлари хўжалик судига низоларни кўриш жараёнида маълум бўлмоқда:

биринчидан, хўжалик раҳбарларининг шартномаларни тузиш вақтида хўжалик юристлари ёки мутахассислар билан маслахатлашмаганлиги;

иккинчидан, шартнома иузмасдан маҳсулот жўнатилганлиги;

учинчидан, шартномада томонларнинг жавобгарлиги ва баъзи муҳим шартларнинг кўрсатилмаганлиги.

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли тайёрлаш бўйича давлат инспекцияси мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқлаган Низомга кўра, тузилаётган контрактация рўйхатидан ўтказиш, уларнинг тузилиши ва бажарилиши устидан назорат олиб бориш ушбу инспекцияларнинг ваколат доирасига киради. Тўғриси айтиш лозимки, уларнинг амалда зиммасига юклатилган вазифасини тўлиқ бажаришга қарор эмаслиги кўриниб келмоқда. Чунки инспекциялар бўлимларида фақат қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари-агрономлар ишламоқдаларки, улар шартномаларнинг ҳуқуқий томондан тўғри тузилиши ва бажарилишини иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан мукаммал таҳлил қилишга эриша олмаётдилар.

Хўжалик судида контрактация шартномалари билан боғлиқ ишларни кўришда юқорида қайд этилган қуйидагилар аниқланган:

1. Шартномаларда маҳсулотларнинг ҳақини тўлаш усули аниқланмаган.
2. Маҳсулотнинг тури, сифатига бўлган талаблар аниқ кўрсатилмаган.
3. Кўпчилик ҳолларда маҳсулотнинг нархи аниқланмаган.
4. Томонларнинг банк ва почта реквизитлари аниқ ва тўлиқ кўрсатилмаган.

Суд ҳужжатларининг ижро этилиши масаласи бизда муаммо бўлиб келмоқда, чунки кўпгина ташкилотларнинг ҳисоб рақамларида пул маблағлари йўқлиги туфайли бир неча ойлаб суд томонидан берилган ижро варақалари бажарилмасдан келинмоқда.

Президентимиз ҳузурида бўлиб ўтган вилоят ҳокимлари кенгашида ва Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузаларида қишлоқ хўжалигида ислохатларни янада

чуқурлаштириш, шартномалар тузиш маданияти ва уни таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Хўжалик судларига шартнома мажбуриятини бажармаслик айбдор бўлган мансабдор шахсларни ундириб олишда ҳақида топшириқ берилди.

ХУЛОСА

Юқорида кайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалигида контракция ва бошқа шартномаларни тузиш ҳамда уларни бажарилишини такомиллаштиришда қуйидаги масалаларга эътибор беришни лозим деб биламиз:

- хўжалик раҳбарларининг ҳуқуқий савиясини ошириш;
- хўжаликларни хўжалик қонунчилиги бўйича етакчи ҳуқуқшунос-мутахассислар билан таъминлаш;
- шартномаларни тузишда ҳуқуқшунослар ва малакали мутахассисларни таъминлаш;
- шартномани тузишда унинг барча шартларига диққат-эътиборини кучайтириш;
- жамоа хўжаликларида вилоят хўжалик суди вакиллари ва бошқа мутахассислар билан семинар-кенгашлар ўтказишни йўлга қўйиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ТИЗИМИ:

Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: Ўзбекистон, 2005. 92 б.
4. Каримов И.А. Эрншилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. // "Халқ сўзи", 11 февраль 2006 й., №29 (3828).
5. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. - Т.: Ўзбекистон, 2007 .
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас кўч. - Т.: Маънавият, 2008.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
8. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
9. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили –буюк келажагимизнинг гаровидир. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 39 б.

10. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 17 январь 2015 й., 11 (6194)-сон.

Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. - Т.: Адолат, 2014.
3. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси. - Т.: Адолат, 2014.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик туғрисида»ги Қонуни. №152-ХП, 31.10.1990 й. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 31-33-сон, 371-модда; 1991 й., 11-сон, 273-модда; 1993 й., 5-сон, 235-модда; 1994 й., 11-12-сон, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 118-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 29.08.1998 й. N 670-1. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда

6. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни. №474-ІІ, 24.04.2003 й. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 375-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 176-модда, 37-сон, 403-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда; 2011 й., 40-сон, 411-модда; 2012 й., 52-сон, 584-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда, 36-сон, 452-модда, 50-сон, 588-модда

7. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» ги Қонуни. №558-ІІ, 11.12.2003 й. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2011 й., 37-сон, 374-модда; 2012 й., 37-сон, 421-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010 сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши. // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 49, ст. 479; 2009 г., № 41, ст. 441; 2010 г., № 17, ст. 130; 2012 г., № 8-9, ст. 77; 2013 г., № 36, ст. 477; 2014 г., № 8, ст. 80

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053 сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 47-сон, 461-модда; 2010 й., 17-сон, 130-модда; 2013 й., 36-сон, 477-модда; 2014 й., 8-сон, 80-модда

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 августдаги 438-сонли қарорига биноан қабул қилинган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартиби тўғрисида»ги Низом.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори.

Махсус адабиётлар

1. Абдусаламов М., Отахонов Ф. Контракция шартномалари: талабнома ва даъво аризалари. - Т.: «Адолат», 1998.
2. Гражданское право. Учебник. Часть вторая. // Под ред. А.П. Сергеева и Ю.К. Толстого. - М.: «Проспект», 2004.
3. Гражданское право. // Под ред. А.Г. Калпина. - М.: «Юристъ», 2002.
4. Зокиров И. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. - Т.: ТДЮИ, 2006.
5. Ибратов Б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. - Т.: «Молия», 2001.
6. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. Дарслик. / Масъул муҳаррирлар: Усмонов М.Б., Жўраев И.О. – Т.: ТДЮИ, 2006.
7. Мильштейн Н. Предпринимателю о хозяйственных договорах. – Т.: Адолат, 2000.
8. Раҳмонкулов Х. Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики. – Т.: Фан, 1994.
9. Раҳмонкулов Ҳ. Олди-сотди шартномаси. - Т.: Адолат, 2000.
10. Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. I жилд. – Т.: Иқтисодият ва ҳуқуқ дунеси, 1997.
11. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. Ҳ. Раҳмонкулов умумий таҳрири остида. II-жилд. - Т.: Иқтисодият ва ҳуқуқ дунеси, 1998.
12. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. II – қисм. Муҳаррир: О.Оқюлов. – Т.: ТДЮИ, 2007.

13. Хўжалик шартномаларига оид қонун ҳужжатлари ва шартномалар номунавий шакллари тўплами. М.Мирсафаев умумий таҳрири остида. – Т.: Адолат, 1995.

Илмий мақолалар ва тезислар

1. Жуманов А. Шартномага бефарқлик оқибати. // Хўжалик ва ҳуқуқ. - №10, 2002.
2. Иззатов О. Битим ва унинг моҳияти. // Ҳаёт ва қонун. - №5, 2003.
3. Комилжонов А. Шартнома муносабатлари ва томонлар жавобгарлиги. // Хўжалик ва ҳуқуқ. - №7, 1999.
4. Мирсафоев С. Шартномавийликка муносабат ўзгариши шарт. // Ҳаёт ва қонун. - №10, 1999.
5. Ниезматова С. Олди-сотди шартномаси ҳақиқийми? // Ҳуқуқ. - №11-12, 2000.
6. Синдоров К. Тадбиркорлик шартномаларига оид низоларни ҳал қилишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. - №7, 2002.
7. Шодмонов Ф. Шартномалар буйича ҳуқуқбузарлик ва жавобгарликнинг алоҳида турлари. // Хўжалик ва ҳуқуқ. - №5, 2002.

Интернет ресурслари

<http://www.lex.uz>
<http://www.legislature.ru>
<http://www.press-servise.uz>
<http://www.review.uz>
<http://www.ziynet.uz>